

## O`QUV ADABIYOTINI EKSPERTIZADAN O`TKAZISH VA NASHR GUVOHNOMASINI OLISH PLATFORMASI

O`quv adabiyyotini toqdim etish

Murojat holatini tekshirish



### STATISTIKA

Muvofiqlashtiruvchi kengash tarkibidagi birlashma va komissiyalar faoliyati raqamlari



### TALABALAR

O`quv adabiyyotlarga rasmiy maqom hamda vazirlikning nashr etishga russat berish to`g`risidagi guvohnomasini rasmijlashtirish uchun tizimga biriktiriladigan huqujar va talablar



### SAVOL VA JAVOBALAR

Sizni qiziqitan savollar va ularga javoblarni shu yerdan topishingiz mumkin



### E`LON VA YANGILIKLAR

Kengash va uning faoliyati to`g`risidagi yangiliklar

ЎҚУВ АДАБИЁТЛАРИНИ  
ЭКСПЕРТИЗАДАН  
ЎТКАЗИШ ЖАРАЁНИНИ  
РАҶАМЛАШТИРИШ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН  
ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ОЛИЙ  
ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТАДҚИҚОТЛАРИ ВА  
ИЛФОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ТАТБИҚ ЭТИШ МАРКАЗИ

# ЎҚУВ АДАБИЁТЛАРИНИ ЭКСПЕРТИЗАДАН ЎТКАЗИШ ЖАРАЁНИНИ РАҶАМЛАШТИРИШ

*Методик қўлланма*



ТОШКЕНТ  
2023

**УЎК: 004.932:002.2**

**КБК: 74.58(5Ў)**

**М - 23**

**Мамажонов, И.**

Ўқув адабиётларини экспертизадан ўтказиш жараёнини рақамлаштириш [Матн] : методик қўлланма / И. Мамажонов, У. Якубов. – Тошкент: "Sano-Standart", 2023. – 32 б.

ISBN 978-9943-9096-1-8

Мазкур услубий қўлланмада олий таълим мұассасалари профессор-ўқитувчилари, илмий тадқиқотчиларга олий таълим тизими учун ўқув адабиётларини яратиш тартиби, уларга қўйиладиган талаблар, яратилган ўқув адабиётларини экспертизадан ўтказиш ва нашр этишига руҳсат бериси тўгерисидаги нашр гувоҳномаларини расмийлаштиришида электрон фойдаланиш тартиби тўгерисидаги маълумотлар келтирилган.

**Таҳрир ҳайъати:**

Ш.Якубов, М.Эсанов, Т.Аҳмедов,  
А.Эшмуродов, С.Мусамедов, А.Сабриев

**УЎК: 004.932:002.2**

**КБК: 74.58(5Ў)**

Олий, ўрта маҳсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашималар фаолиятини Муəфиқлаштирувчи кенгашининг 2022 йил 29 октябрдаги 6-сонли ўйигилиш баёни Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирининг 2022 йил 25 ноябрдаги 388-сонли бўйруги билан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-9096-1-8

© Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази, 2023 й.

## КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим тизимини янги авлод ўқув адабиётлари билан таъминлаш, талаба-ўқувчиларни комил инсон сифатида тарбиялашга қаратилган дарслик ва ўқув қўлланмаларини яратиш буғунги куннинг долзарб вазифасидир.

Мамлакатимизда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги Қонун таълим-тарбия ва маорифни ислоҳ қилиш тўғрисидаги назарий ва амалий талаб ҳамда кўрсатмалар асосида, шунингдек, мустақиллик йилларида ижодкор мутахассисларимиз ва олимларимиз томонидан олий таълим муассасаларида ўқитилаётган фанларга доир дарсликлар, ўқув қўлланмалар ва маъруза матнлари яратилди.

Табиийки, дарсликлар, ўқув қўлланмалар ва маъруза матнларининг алтернатив турларининг кўпайиши фақат бир мақсадни – бўлажак мутахассис кадрларнинг билим ва малакасини оширишни назарда тутади.

Сўнгги икки йилда таълим муассасалари томонидан талаба-ўқувчиларни янги авлод ўқув адабиётлари билан мунтазам таъминлаб бориш, таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича фанлардан янги ўқув адабиётларини яратиш бўйича сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2020 йилда олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари томонидан яратилган 2 718 номда (826 та дарслик, 1 885 та ўқув қўлланма, 7 номда бошқа турдаги адабиётлар) ўқув адабиётлари, 2021 йилда 4 477 номда (1 267 та дарслик, 3 188 та ўқув қўлланма, 22 номда бошқа турдаги адабиётлар) ўқув адабиётлари нашр этишга тавсия этилиб, 2020 йилга нисбатан 1,5 бараварга ортган. Жорий йилнинг декабрь ойи ҳолатига кўра 4 201 номдаги (1 417 номда дарслик, 2 780 номда ўқув қўлланма) ўқув адабиётлари нашр этишга тавсия этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 декабрдаги ПҚ-60-сонли “Давлат олий таълим муассасаларининг академик ва ташкилий-бошқарув мустақиллигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида<sup>1</sup> 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб молијавий мустақиллик берилган давлат олий таълим муассасалари ва унинг тузилмасидаги таълим муассасалари учун ўз грифи асосида дарсликлар ҳамда бошқа ўқув ва илмий адабиётларни яратиш ва нашр этиш ваколати берилгани таълим муассасаларининг янги йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича таълим бериладиган фанлардан замонавий ўқув адабиётла-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 декабрдаги “Давлат олий таълим муассасаларининг академик ва ташкилий-бошқарув мустақиллигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-60-сон қарори. <https://lex.uz/docs/5793261?otherlang=>

ри яратиш ва нашр этиш борасидаги ишларини янада жадаллаштиришга хизмат қиласи.

Мазкур услугбий құлланма янгидан яратилаёттан ўқув адабиётларига құйиладиган талаблар, уларни экспертизадан ўтказиш ва нашр этишиң тавсия бериш жарапында рақамли технологиялардан фойдаланиш тартиби түғрисида зарурий манба ҳисобланади.

# **І ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ УЧУН ЎҚУВ АДАБИЁТЛАРИНИ ЯРАТИШ ВА НАШР ЭТИШГА ТАВСИЯ БЕРИШ ЖАРАЁНИ**

## **1.1. Олий таълим тизими учун ўқув адабиётлари яратиш тизимининг ташкилий-ҳуқуқий асослари**

Бугунги кунда етарли интеллектуал салоҳиятга эга, илм-фаннынг замонавий ютуқлари асосида фикр-мушоҳада юрита оладиган шахсларни тарбиялаш ҳамда рақобатбардош, юқори малакали кадрларни тайёрлаш масаласи ўқув адабиётларининг янги авлодини яратишни ҳамда бу борада кенг кўламли ишларни амалга оширишни тақозо этади. Шу мақсадда, олий таълим муассасалари учун ўқув адабиётларини яратишнинг зарур ҳуқуқий асослари қабул қилинган.

Маълумки, олий таълим муассасалари учун ўқув адабиётларини яратишжараёни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 октябрдаги “Олий таълим муассасаларини ўқув адабиётлари билан таъминлаш тўғрисида”ги 816-сонли қарори<sup>2</sup> ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг 2022 йил 22 августдаги “Ўқув адабиётларини тайёрлаш тартиби ҳамда ўқув адабиётларини яратишга ва улардан олий таълим муассасаларида фойдаланишга қўйиладиган талабларни белгилаш тўғрисида”ги 284-сонли бўйруғи билан тартибга солинади.

Мазкур бўйруқ билан ўқув адабиётларини яратишга қўйилган умумий талабларнинг меъерий асослари белгилаб берилган. Мазкур талабларга кўра, ўқув адабиётлари олий ва ўрта маҳсус, касб-ҳунар таълимдининг давлат таълим стандартлари, малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурлари асосида муайян ўқув фани бўйича зарур назарий ва амалий билимлар, ўқув материаллари, услубиёт ва дидактик маълумотлар илм-фан, маданият, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, жаҳон тажрибалари асосида тизимли баён этилган нашр бўлиб, асосан икки хил шаклда тайёрланади:

**анъанавий (босма) ўқув адабиётлари** – таълим олувчиларнинг ёши ва психофизиологик хусусиятлари, ўқув материаллари ва маълумотлар ҳажми, шрифтлар, қофоз сифати, муқова тури ва бошқа кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда, матбаа усулида тайёрланиб чоп этилган нашр;

**электрон ўқув адабиётлари** – замонавий ахборот технологиялари асосида маълумотларни жамлаш, тасвирлаш, янгилаш, саклаш, билим-

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 октябрдаги “Олий таълим муассасаларини ўқув адабиётлари билан таъминлаш тўғрисида”ги 816-сонли қарори. <https://lex.uz/docs/3970451>

ларни интерактив усулда тақдим этиш ва назорат қилиш имкониятларига эга бўлган электрон мажмуя.

Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирининг 2020 йил 7 декабрдағи “Ўқув-услубий ҳужжатларни тасдиқлаш, келишувга киритиш ҳамда ўқув адабиётларини нашр этишга тавсия бериш тўғрисида”ги 648-сонли буйруғи билан “Олий, ўрта маҳсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгаш низоми” тасдиқланган бўлиб, мазкур низом асосида ҳозирги кунда республикадаги барча олий таълим муассасалари томонидан дарсликлар, ўқув ва илмий адабиётларни тайёрлаш, нашр этиш ишлари амалга оширилмоқда.

## 1.2. Ўқув адабиётларининг турлари

Юқоридаги меъёрий ҳужжатларда олий таълимнинг ўқув адабиётлари турлари сифатида дарслик, ўқув қўлланма, услугубий қўлланма, услугубий кўрсатма, услугубий тавсиянома, маълумотлар тўплами (банки), маърузалар курси, маърузалар тўплами, машқлар (масалалар) тўплами, луғат, дайджестлар эканлиги белгиланган.

Халқимиз маданиятининг ривожланиши тарихида педагогик фикрлар тараққиёти, жумладан, дидактик воситаларининг мазмунан ва шаклан такомиллашуви муҳим аҳамият касб этиб, бунингиз таълим-тарбия соҳасидаги маданий-маърифий ривожланишни аниқ тасаввур қилиб бўлмайди. Дарслик – ДТС, ўқув дастурлари, методик ва дидактик талаблар асосида белгиланган, миллий ғоя сингдирилган, муайян ўқув фанининг мавзулари тўлиқ ёритилган, тегишли фаннинг асосларини мукаммал ўзлаштирилишига қаратилган давлат нашридир. Ҳар бир таълим турининг мақсад ва вазифаларини қамраб олган, таълим олувчиларнинг ёши ва педагогик-психологик хусусиятларини ҳисобга олган ўз дарсликлари мавжуд бўлади. Одатда дарслик ўқув фанининг номи билан юритилади. Дарслиқда назарий маълумотлардан ташқари, амалий-тажриба ва синов машқлари бўйича зарур кўрсатмалар берилади. Кўплаб тадқиқотларда “дарслик” тушунчасига хилма-хил таърифлар берилган:

“Дарслик – Давлат таълим стандартлари, таълим дастурлари ва режаларига мувофиқ, таълим олувчилар томонидан ўзлаштирилиши лозим бўлган таянч билимлар ва ўқув материаллари тизимли баён этилган маълум бир фанни ўқитиш учун китоб”<sup>3</sup>.

<sup>3</sup> Абылқасымова А. Е. Вопросы создания современного школьного учебника: научно-методическое издание. – Алматы: Атамура, 2010. – С.12.

“Дарслик – педагогик тизимнинг тўрт элемети – таълим мақсади, мазмунни, дидактик жараёнлар, ўқитиш шакллари ва уларни амалиётга жорий этишга имкон берувчи комплекс информацион модель”<sup>4</sup>.

“Дарслик – ўқувчиларнинг ёш ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, ўқувчилар ўзлаштириши шарт бўлган мактаб дастури учун мўлжалланган фан мазмунини баён этувчи ва маълум бир фаолият турини аниқлаштирувчи оммавий ўқув адабиёти”<sup>5</sup>.

“Дарслик – таълим жараёни сценарийси”<sup>6</sup>.

“Дарслик – муайян ўқув фанининг мавзулари тизимли, чуқур ва тўлиқ ёритилган, тегишли фан мазмунини белгиланган ҳажмда мукаммал ўзлаштиришга қаратилган, мазмунан ва шаклан таълим турларига (ўрта маҳсус, касб-хунар таълими, олий таълим (бакалавриат, магистратура) мослаштирилган, ўқувчи ва талабаларда фанга тааллуқли билим, кўникма ва малакалар шаклланишига хизмат қиласидиган, расмий тасдиқланадиган асосий ўқув нашридир”.

Амалиётчи-ўқитувчиларнинг фикрича, янги авлод дарсликлари ўқитувчи “қайта таржима” қилиб бермаслиги учун мактаб ўқувчисига тушунарли тилда ёзилган бўлиши, билимларни мустақил ўзлаштириш ва мустақил билим олишга ўргатиши, барқарор фойдаланишга мўлжалланган бўлиши керак. Энг асосийси, дарслик узлуксиз таълим тизимининг алоҳида турлари ўртасидаги узвийликни таъминлаши лозим.

**Ўқув қўлланма** – дарсликни қисман тўлдирувчи, муайян фан дастури бўйича тузилган ва мавзуларни зарурий ҳажмда тизимли ёритиб берадиган, фан асосларининг мукаммал ўзлаштирилишини таъминловчи, мазмунан ва шаклан таълим турларига (ўрта маҳсус, касб-хунар таълими, олий таълим (бакалавриат, магистратура) мослаштирилган, назарий ёки амалий машқ ва машғулотларга мўлжалланган, ўқувчи ва талабаларда фанга тааллуқли билим, кўникма ва малакалар шаклланишига хизмат қиласидиган, расмий тасдиқланадиган ўқув нашридир.

**Услубий қўлланма** – профессор-ўқитувчилар ва билим олувчилар учун мўлжалланган бўлиб, унда бир дарснинг мақсади, дарс ўтиш воситалари ва улардан фойдаланиш усувлари, дарснинг мазмуни, амалий машғулотлар, қўшимча топшириқлар ва бошқалар ҳақида тавсиялар баён қилинадиган, таълим муассасаларининг кенгаси (педагогика кенгаси) тавсияси асосида чоп этиладиган нашр.

<sup>4</sup> Беспалъко В. П. Теория учебника: Дидактический аспект / В. П. Беспалъко. – М.: Педагогика, 1998. – С.18.

<sup>5</sup> Зуев Д. Д. Школьный учебник. – Ереван: ЛУИС, 1997. – С.9.

<sup>6</sup> Кўчкорова Ф.М. Янги авлод дарсликларида тақдим этиладиган ўқув материалларини концентризм асосида структуралаштиришнинг дидактик параметрлари: педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD)... дис. – Т., 2018. – Б.32.

**Услубий кўрсатма** – муайян фаннинг ўқув дастури бўйича курс ишлари (лойиҳалари), лаборатория ва амалий ишларни, шунингдек, битириувчиларнинг битириув малакавий ишлари, магистрлик диссертацияларини бажариш тартиби аниқ ва батафсил ифодаланган ҳамда ушбу фан бўйича билим олувчиларда зарур амалий кўнижмалар ҳосил қилишга мўлжалланган, таълим муассасаларининг кенгаши (педагогика кенгаши) тавсияси асосида чоп этиладиган кичик ададли нашр.

**Услубий тавсиянома** – муайян фаннинг ўқув дастури бўйича мавзуларнинг асосий мазмуниниёки айрим мураккаб мавзулар ва масалаларни ўзлаштириш, назарий ва амалий вазифалар, топшириқларни бажариш бўйича услубий ёрдам кўрсатиш ва педагогик тавсия беришга қаратилган ёрдамчи ўқув адабиёти ҳисобланадиган, таълим муассасаларининг кенгаши (педагогика кенгаши) тавсияси асосида чоп этиладиган кичик ададли нашр.

**Маълумотлар тўплами (банки)** – фойдаланишга қулай шаклда яратилган, муайян фанни ёки таълим йўналишини ўзлаштириш учун зарур бўлган, исбот талаб қилмайдиган маълумотлар, илмий кўрсаткич ва ўлчамлар, турли белги ва рақамлардан, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ишлаб чиқариш, техника, маданий ва бошқа соҳалардаги қисқа илмий, амалий, маълумотлардан ташкил топган, таълим муассасаларининг кенгаши (педагогика кенгаши) тавсияси асосида чоп этиладиган нашр.

**Маърузалар курси** – фаннинг ўқув дастури бўйича маърузалар курсининг номи тегишли фан номи билан аталган, ундаги барча мавзуларнинг асосий мазмунни қисқа ёритилган, бирламчи янги билимларни олишга қаратилган, фойдаланиладиган асосий ва қўшимча ўқув адабиётлари кўрсатилган, ўзини ўзи назорат қилишга оид саволлар туркуми, мавзуга тегишли таянч атама ва иборалар келтирилган, таълим муассасаларининг кенгаши (педагогика кенгаши) тавсияси асосида чоп этиладиган нашр.

**Маърузалар тўплами** – муайян фаннинг ўқув дастури бўйича ундаги айрим мавзуларнинг асосий мазмунни қисқа ёритилган, бирламчи янги билимларни олишга қаратилган, фойдаланиладиган асосий ва қўшимча ўқув адабиётлари кўрсатилган, ўзини ўзи назорат қилишга оид саволлар туркуми, мавзуга тегишли таянч атама ва иборалар келтирилган, илмий тадқиқот изланишлари асосида мунтазам янгиланиб туриладиган, таълим муассасаларининг кенгаши (педагогика кенгаши) тавсияси асосида чоп этиладиган кичик ададли нашр.

**Машқлар (масалалар) тўплами** – муайян фаннинг мавзулари бўйича амалий машқлар, масалалар, шунингдек, таърифлаш, ифодалаш, шакллантириш, ҳисоблаш, ишлаб чиқиш бўйича мисоллар келтирилган, мавзуларга оид меъёрий, услубий, сонли ва таянч маълумотлар билан

тұлдирилган, үқувчи ва талабаларда амалий күнікмаларни шакллантиришга қаратылған, таълим мұассасаларининг кенгаши (педагогика кенгаши) тавсияси асосида чоп этиладиган нашр.

**Лугат** – аниқ бир тартибда жойлашған сүзлар (ёки сөз бирикмаси ва ҳоқазо) түплами, уларнинг мазмуни, ишлатилиши, келиб чиқиши, бошқа тилдеги таржимаси түғрисида маълумот беруучи ёки сүзнинг тушунчаси, у билан белгиланувчи предметлар ҳақида ахборот беруучи, таълим мұассасаларининг кенгаши (педагогика кенгаши) тавсияси асосида чоп этилған нашр.

**Дайджест** – илмий, илмий-услубий, үқув, даврий адабиётлар, қонунлар, фармонлар, қарорлар ва бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатлар мазмунининг қисқача баёни ва шархи келтирилған, соҳаларга оид маълумотлар түплами сифатида фойдаланиладиган нашр.

Амалдаги меңерий-хуқуқий ҳужжатларга мувофиқ, ҳозирги кунда олий таълим тизими учун үқув адабиётларини яратиш қўйидаги талаблар асосида амалга оширилади:

- үқув адабиётлари ривожлантириш стратегиясининг демократик, хуқуқий, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий йўналишларида мамлакат тараққиётининг устувор масалаларига асосланган ҳолда яратилади;
- талабанинг интеллектуал салоҳиятини янада юксалтиришга хизмат қиласи, шунингдек, соҳа бўйича илғор халқаро тажрибалар, жаҳон илмфани, услубиёт, техника ва технологияларнинг сўнгги ютуқлари, тараққиёт тенденцияларини ҳисобга олади;
- үқув адабиётлари тасдиқланган давлат таълим стандартлари, мамлака талаблари, үқув режа ва фан дастурлари асосида тайёрланади;
- үқув адабиётларининг номи үқув режаларидағи фанлар номи билан мос келиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

### **1.3. Үқув адабиётларини яратишга қўйиладиган талаблар ва унинг функциялари**

Мамлакатимизда ёшларни олий таълим билан қамров даражасининг йилдан-йилга ошиб бориши сабабли олий таълим мұассасаларига қабул квоталари ҳам ошиб бормоқда. Бу эса олий таълим мұассасалари томонидан талабаларни үқув адабиётлари билан таъминлаш даражасига таъсир кўрсатиб, ҳар бир таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича янги үқув адабиётларини яратишга ҳамда уларга расмий нашр мақомини олишга бўлган ҳаракатларни кучайтироқда. Шу ўринда, олий таълим тизими учун янгидан яратилаётган үқув адабиётларини таълим стандартлари ва үқув дастурларига мувофиқ яратилишини таъминлаш мұхим вазиғи эканлигини ҳисобга олиш зарур.

Ўқув адабиётлари билим олишнинг асосий йўналтирувчиси бўлиши билан биргаликда, бутун ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Шунга кўра, ўқув адабиёти таълимнинг мақсади ва вазифалари, унинг дидактик ва методик тамойилларига мос бўлиши керак. Ўқув адабиёти ўқув фани мазмунинигина эмас, балки билимларни ўзлаштириш даражасини ва тушунтириш методларини ҳам акс эттириши зарур.<sup>7</sup>

Ўқув адабиётига фандаги сўнгги янгиликлар, илмий тадқиқотлардаги янги ютуқлар, илғор халқаро тажриба ва тараққиёт тенденциялари киритиб борилиши зарур. Яъни дарсликнинг мазмуну жамият тараққиётининг ҳозирги талабларига жавоб бериши, фаннинг ва уни ўқитшнинг сўннги илғор ютуқларига асосланishi лозим.

Амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ, ҳозирги кунда олий таълим тизими учун ўқув адабиётларини яратиш қўйидаги талаблар асосида амалга оширилади:

- ўқув адабиётлари ривожлантириш стратегиясининг демократик, ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий йўналишларида мамлакат таракқиётининг устувор масалаларига асосланган ҳолда яратилади;
- талабанинг интеллектуал салоҳиятини янада юксалтиришга хизмат қиласди, шунингдек, соҳа бўйича илғор халқаро тажрибалар, жаҳон илм-фани, услубиёт, техника ва технологияларнинг сўнгги ютуқлари, тараққиёт тенденцияларини ҳисобга олади;
- ўқув адабиётлари тасдиқланган давлат таълим стандартлари, мамлакатда жорий этилган узлуксиз таълим тизимининг таълим турлари (умумий ўрта ва ўрта маҳсус таълим, профессионал таълим, олий таълим (бакалавриат, магистратура) ўртасидаги узвийлик ва узлуксизлик таъминланиши;
- ўқув адабиётларини яратиш қўйидаги тамойиллар асосида амалга оширилиши лозим;

### Ўқув адабиётларини яратиш қўйидаги тамойиллар асосида амалга оширилиши лозим:

мамлакатда жорий этилган узлуксиз таълим тизимининг таълим турлари (умумий ўрта ва ўрта маҳсус таълим, профессионал таълим, олий таълим (бакалавриат, магистратура) ўртасидаги узвийлик ва узлуксизлик таъминланиши;

фанлар мавзуларининг асоссиз такрорланишига йўл қўйил-маслиги;

<sup>7</sup> Турсунов К., Нормаматова Н. Дарслик тузилишига қўйиладиган замонавий талаблар.// "Халқ таълими" журнали, 2015 йил, 2-сон. -83-б.

фанларда мавзулар изчиллигига, оддийдан мураккабга, хусусийдан умумийликка ўтиб бориши;

яратилаётган ўқув адабиётларининг мазмунни таълим олиш, мустақил ва эркин фикрлаш, олинган билимларни босқичмабосқич бойитиш, муқаммаллаштириб бориш, мустақил таълим олиш, янги билимларни ўқув адабиётларидан излаб топиш кўникмаларини талabalarda шакллантиришга йўналтирилган бўлиши;

ўқув адабиётлари тушунарли, содда ва равон тилда ёзилиши;

маълумотлар талабалар томонидан имкон даражасида осон ва қийинчиликсиз қабул қилиниши ва хотирада сақланадиган тарзда берилиши;

таълим олувчиларнинг билим ва кўникмаларини назорат қилиш имкониятини яратиши лозим ҳисобланади.

таълим олувчиларнинг билим ва кўникмаларини назорат қилиш имкониятини яратиши лозим ҳисобланади.

Электрон ўқув адабиётлари эса билим олувчиларнинг тасаввурини кенгайтишига, дастлабки билимларини ривожлантириш ва чуқурлаштишига, қўшимча маълумотлар билан таъминлашга мўлжалланган бўлиб, кўпинча чуқурлаштириб ўқитиладиган фанлар бўйича яратилади. Узлуксиз таълим тизимида фан ва технологиялар ривожлангани сари мазмуни тез ўзгарувчан, чуқурлаштириб ўқитиладиган, касбий ва маҳсус фанлар бўйича электрон ўқув адабиётлари тайёрланади.

Бугунги ривожланган дунё ҳар қандай мутахассисдан ўз соҳасининг энг замонавий билим ва кўникмаларни ўзлаштиришни талаб қилади. Бу жараён эса, ўз навбатида, сифатли ўқув адабиётларига бўлган талабни оширади. Ўқув адабиётлари талаб қилинадиган мезонларга жавоб бериши учун уларни нашр қилишда бир қатор **асосий талабларни** инобатга олиш зарур. Жумладан:

- муайян фаннинг моҳияти, мазмуни ва мавзуларини фан дастурида белгиланган ҳажмларда изчиллик билан ёритилиши;
- ўқув материалларининг мазкур фан орқали таълим олувчиларга берилиши;

- зарур бўлган компетенцияни шакллантиришга қаратилган тартибда тизимли баён қилиниши;
- юқори даражада умумлаштирилган ва замонавий билимларга асосланган маълумотлар (қонунлар, айниятлар, таснифлар ва ҳоказо)дан ташкил топиши;
- иллюстрацияларга бой, замонавий кўргазмали тасвир ва бадиий-услубий жиҳатдан амалий фаолиятга қаратилган бўлиши;
- билимларнинг мутлақлиги ва нисбийлигини ёрқин ифодалаши;
- назарий ва амалий маълумотлар мақбул, пухта, равон, ижодий ва қизиқтирувчан шаклда ифода қилиниши;
- зарур ҳолларда фанга оид кенг қамровли мисол ва масалалар, узоқ ва яқин ўтмишдаги бой маданий меросимиз намуналари билан бойитилиши;
- жаҳон илм-фани, техника ва технологияларнинг энг сўнгги ютуқларини инобатга олиши, унинг аҳамиятини ифодалаши, соҳа ва фанга оид миллий ҳамда хорижий тажриба ва маълумотлар мантиқий бир тизимда баён этилиши;
- асосий тушунча ва хулосаларнинг таърифлари ниҳоятда аниқ, равшан ёзилиши, атамаларнинг умумийлигига эришилиши;
- билимларни онгли равишда ўзлаштириш, қизиқиш ўйғотиш ва мустақил фикрлашга йўналтира оладиган хусусиятларга эга бўлиши
- билим олувчиларнинг ёши, психофизиологик хусусиятларини ҳисобга олиши, ижодий қобилиятларини ривожлантиришга қаратилиши, мустақил таълим олишга қизиқиш ўйғотиши;
- инсонпарварлик ғояларининг акс эттирилиши, инсоннинг табиат ва ижтимоий ҳаётда масъулиятлилигини англатишга қаратилиши;
- ватанпарварлик ҳисси, маънавий-ахлоқий сифатлар шакллантирилиши, таълим ва тарбия узвийлигини таъминлашга эътибор бериши каби асосий талаблар мавжуд.

Шунингдек, юқорида келтирилган асосий талаблар билан бир қаторда, ўқув адабиётлари муайян соҳа бўйича барча зарур маълумотларни қамраб олиши зарур. Таълим турларининг хусусиятларидан ва нашр шаклидан қатти назар, барча ўқув адабиётларига қўйиладиган **умумий талаблар** қўйидагилар:

- ўқув адабиётларида мавзу, мазмун ва матнлар узлуксиз таълимнинг бошқа турлари ва босқичларидаги турдош фанларнинг мавзу, мазмун ва матнларини такрорламаслиги;
- ўқув материалларининг мазмуни далиллардан намуналарга, намунадан фараазга, фараздан изланишга, изланишдан амалий қўллашга, абстракт илмий билимдан аниқ қасбий билимга, билимдан амалий кўникумага ўтишга йўналтирилиши;

- мавзуларда “оддийдан мураккабга”, “умумийдан хусусийга” каби тамойилларга риоя этилиши;
- расмлар, графиклар, жадваллар, схема ва диаграммалар мантиқан мақбул даражада жойлаштирилиши, берилган маълумотлар ва тушунтиришлар билан узвий боғланган бўлиши;
- матнлар дизайнни мақбул ва мукаммал бажарилиши, тақрорланувчи тушунчалар, риоя қилиниши керак бўлган қоидалар, эътиборни жалб этиш учун зарур бўлган жумлалар, мисоллар ва хуносаларни ажратиш мақсадида маҳсус белгилардан ҳамда таъсирчан график воситалардан фойдаланиш;
- касбий характерга эга бўлган ва билим оловчилар мустақил ишлаши учун мўлжалланган муаммоли саволлар, топшириқлар, машқлар, лойиҳалар билан таъминланиши;
- топшириқлар ва вазифалар кенг кўламли билим оловчилар бажараdigан амалий ишларни жуфтлиқда ёки кичик гурухларда ташкил этиш имкониятини бериши;
- ўқув материалларида талабаларни фаол бўлиш ва танқидий фикрлашга ундаш ва уларнинг фанга бўлган қизиқишиларини кучайтирувчи жиҳатларнинг мавжуд бўлиши;
- Ўзбекистоннинг турли ҳудудларидаги ўзига хос маданий хусусиятлар, табиий иқлим шароитлари ҳисобга олиниши каби талаблардан ўз ичига олган бўлиши лозим.

Шунингдек, юқоридаги талаблардан ташқари, олий таълимнинг ўқув адабиётларига қўйиладиган қўшимча талаблар мавжуд. Улар қўйидаги талабларни ўз ичига олади:

- ўқитиладиган фанлар ва уларга тегишли ўқув адабиётларининг мазмун-моҳияти ниҳоятда чуқур илмий-услубий, юқори сифат кўрсаткичларда бўлиши;
- ўқув адабиётларидаги ҳар бир боб ёки мавзунинг мазмунини тушунарли, илмий ғоя ва тушунчаларнинг моҳияти аниқ ва равшан баён этилиши;
- матнни хотирада сақлашни осонлаштириш, мавзулар ихчам измаллар, турли тасвирий ифодалар, жадвал, инфографика ҳамда расмлар билан мувофиқ тарзда таъминланиши;
- аниқ ва табиий фанлар бўйича илмий тушунча ва ғоялар, қонун ва қонуниятлар, тарихий ҳодиса ва ижтимоий жараёнларнинг ҳаётйлигига эътибор қаратилиши, таҳлилий муносабатнинг етарли даражада бўлиши;
- муаллиф ва талаба ўртасида фикрларнинг мантиқий баёни жараёнида ўзаро боғлиқлик таъминланиши;
- амалий ва тажриба машғулотларини бажариш ҳамда машқларни ечиш бўйича услубий кўрсатмалар берилиши, матн, иллюстрация ва

графиклар ёрдамида билим олиш орқали кенгайтирилган амалий кўнкималарни шакллантириш имконияти бўлиши;

- ўқув мақсадлари ва вазифаларининг аниқ белгиланиши, фанлараро ва фан ичida ўзаро боғлиқликни таъминланиши, назарий ва амалий мазмуннинг ўзаро мақбул ва боғлиқ ҳолда тақсимланиши;
- мазмун ишончли ва салоҳият билан ёритилиши, унда муаллифларнинг фан, техника ва технологияларнинг сўнгги ютуқларидан фойдаланганлиги кўриниб туриши;
- тасвирий материаллардан максимал фойдаланиш, динамик жараёнларни ўрганишни осонлаштириш мақсадида электрон таълим воситаларини (мультимедиа, анимация, виртуал стендлар ва ҳ.к.) қўшимча материал сифатида ишлатиш имконини бериши;
- ўқув материалларида талабаларни фаол бўлиш ва танқидий фикрлашга ундаш ва уларнинг фанга бўлган қизиқишларини кучайтирувчи жиҳатларининг мавжуд бўлиши;
- замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиш имкониятларининг яратилиши.

Функция ўқув адабиётларига қўйилган талабларни аниқлаб беради, унинг мазмуни, тузилмаси ва воситаларни танлаб олишга таъсир кўрсатади. Шунинг учун ўқув адабиётларни лойиҳалаш унинг бажарадиган функциялари аниқ бўлган ҳолатда муваффақиятли амалга ошади. И.П.Товпинеңнинг фикрича, “мақсад функциялар мазмуни ва таркибини аниқлашда муҳим ўрин тутади: функция таълимнинг лойиҳалаштириладиган мақсади сифатида талқин қилинади. Функцияни дарсликни моделлаштириш ва ундан фойдаланиш, унинг мақсадга мувофиқлиги ва таълим жараёнини амалга ошириш воситаларини аниқлаб берувчи умумий талаби сифатида қараш лозим”<sup>8</sup>.

Илмий адабиётлarda ўқув адабиётларнинг 40 дан ортиқ функциялари келтириб ўтилган. Олий, ўрта маҳсус ва профессионал таълим тизими учун яратиладиган ўқув адабиётларининг асосий функциялари этиб қуидагилар белгиланган:

**ахборот функцияси** – таълим олувчи муайян фан бўйича эгаллаши зарур бўлган билим ва кўнкималар мазмунини қамраб олганлиги;

**тизимловчи функцияси** – ўқув фани мазмуни тизимланган шаклда қатъий кетма-кетлиқда ва изчиллиқда оддийдан мураккабга риоя қилинган ҳолда баён қилинишини таъминлаши;

<sup>8</sup> Товпинец И.П. Концепция учебника и его структура: Материалы Всесоюзной конференции “Теория и практика создания школьных учебников” / И. П. Товпинец; составитель Г. А. Молчанова // Проблемы школьного учебника. – М.: Просвещение, 1991. – Вып. № 20. – С.34.

**мувофиқлаштирувчи функцияси** – фан ўқув материалини лойиҳалаш жараёнида бошқа ўқув манбаларида келтирилган материалларни ўрганиш, улар орасида узвийликни таъминлаш, ахборот оқимини тез ўзлаштириш, олган билимларни чуқурлаштириш ва амалий фаолият жараёнида қўллаш йўлларини топишга хизмат қилиши;

**мутахассисликка йўналтирилганлик функцияси** – ўқув адабиётининг мазмуни талабанинг мутахассислик бўйича ишлаб чиқариш жараёнлари, обьектлари, техника ва технологиялар тўғрисидаги асосий фундаментал тушунча ва билимга эга бўлишини таъминлаши ҳамда келажакда уларга таяниб янги маълумотларни мустақил таҳлил қилиш ва ўзлаштириш кўникмаларини шакллантиришга қаратилиши;

**дидактик функцияси** – таълим олувчининг қобилияти ва эҳтиёжига мос равишда ўқув материалини мустақил ўзлаштиришга ҳамда асосий мазмунни ажратиш, таҳлил қилиш, умумлаштириш ва хулосалаш кўникмаларини шакллантириш учун хизмат қилиши;

**ўзлаштирилган билимларни мустаҳкамлаш ва ўзини ўзи назорат қилиш функцияси** – таълим олувчининг ўқитувчи раҳбарлигига ёки мустақил тарзда дарсликдаги назорат саволлари, тест материалларидан фойдаланиб, ўзининг билимини текшириши ҳамда билимига таянган ҳолда, амалий машғулотларни бажара олишига қаратилган фаолиятларга кўмаклашиши;

**таълим олувчиларни мустақил таълим олишга қизиқтириш ва ижодкорликка ундовчи функцияси** – таълим олувчиларда мустақил тарзда таълим олишга бўлган иштиёқ, эҳтиёж ва заруратни уйғотиши, етишмайдиган билимларни мустақил тарзда тўлдиришга ёрдам беришга йўналтирилганлиги.

Таълим олувчиларга мустақил равишда бажариши лозим бўлган лойиҳалар, муаммоли саволлар ва топшириклар берилиши орқали уларда изланувчанлик қобилияtlарини ривожлантириши;

**ривожлантирувчи-тарбияловчи функцияси** – ўқув материаллари асосида шахснинг давлат ва халқига эътиқоди, маънавий-инсоний хислатлари, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик каби бошқа ижобий фазилатларнинг фаол шаклланишига кўмак бериши.

#### **1.4. Ўқув адабиётларини яратиш ва экспертизадан ўтказиш жараёни**

Маълумки, олий таълим муассасалари учун тайёрланадиган ўқув адабиётларини яратиш қанчалик мухим бўлса, уларни экспертизадан ўтказиш жараёни ҳам шу қадар алоҳида аҳамият касб этади. Чунки етук кадрларни тайёрлаш учун уларни, аввало, сифатли ва замонавий билим

берувчи ўқув адабиётлари билан таъминлаш зарур. Турли камчиликлар, сифатсиз ҳамда эски маълумотлар билан бойитилган, кўчирмачилик қилинган ўқув адабиётларининг яратилиши ва нашр қилинишининг олдини олиш мақсадида уларни экспертизадан ўтказиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг ўқув режаларига киритилган фанлар бўйича ўқув адабиётларини яратиш ва экспертизадан ўтказиш Ўзбекистон Республики Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2022 йил 22 августдаги “Ўқув адабиётларини тайёрлаш тартиби ҳамда ўқув адабиётларини яратишга ва улардан олий таълим муассасаларида фойдаланишга қўйиладиган талабларни белгилаш тўғрисида”ги 284-сонли буйруғига мувофиқ қўйидаги бир қатор босқичларда амалга оширилади.

1. Олий таълим муассасалари давлат таълим стандартлари, малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларига мувофиқ яратилиши зарур бўлган ўқув адабиётларининг рўйхатини шакллантиради ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (кейинги ўринларда Вазирлик деб аталади) ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш марказига (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) киритади;

▪ Марказ олий таълим муассасалари томонидан киритилган ўқув адабиётлари рўйхатларини ўқув режа ва фан дастурларига мослиги нуқтаи назаридан ўрганиб чиқади, билим ва таълим соҳалари, бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг фанлари бўйича такрорланадиган адабиётларни аниқлайди, такрорланишларни тегишли олий таълим муассасалари билан келишилган ҳолда бартараф қиласди, бир хил фанлар бўйича олий таълим муассасалари томонидан рўйхатга киритилган турли ўқув адабиётларини тегишли олий таълим муассасалари билан келишган ҳолда оптималлаштиради ва мақбул ҳолатга келтирилган ўқув адабиётларининг рўйхатларини тегишли олий таълим муассасаларига ўз тавсиялари билан юборади;

▪ ўқув адабиётлари рўйхатларини шакллантирган олий таълим муассасаларининг ректорлари Марказ томонидан таҳлил қилинган тегишли ўқув адабиётлари рўйхатларини Вазирлик томонидан белгиланадиган ягона шаклдаги жадвал кўринишида ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва Марказга белгиланган тартибда тақдим этади.

2. Ўқув адабиётларини яратиш учун олий таълим муассасаларида соҳанинг етакчи мутахассислари, профессор-ўқитувчилари ва олимлар таркибидан муаллиф (муаллифлар жамоаси) тайинланади. Муаллифлар таркибига турдош олий таълим муассасаларининг етакчи профессор-

ўқитувчилари ҳамда хорижий олим ва мутахассислар ҳам киритилиши мумкин.

3. Зарур ҳолларда ўқув адабиётларини яратиш учун муаллифлар танлов асосида белгиланиши мумкин. Танловда олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, ишлаб чиқариш, фан, таълим ва тегишли бошқа соҳаларнинг юқори малакали мутахассислари, шунингдек, хорижий мамлакатлар мутахассислари ҳам иштирок этиши мумкин.

4. Ўқув адабиётлари давлат таълим стандартлари, малака талаблари, ўқув режа, фан дастурлари ҳамда ўқув адабиётларига қўйиладиган талабларга мос ҳолда тайёрланишига тегишли таянч олий таълим муассасаси масъулдир.

5. Ўқув адабиётлари матбaa ва ноширлик меъёрларига амал қилган ҳолда тайёрланади.

6. Ўқув адабиётлари қўллэзмаларини тайёрлаш ва уларни нашр қилиш қўйидаги тартибда амалга оширилади:

- таянч олий таълим муассасаларида муаллиф (муаллифлар жамоаси) томонидан ўқув адабиётининг қўллэзмаси тайёрланади;

- тайёрланган қўллэзмага фаннинг етук мутахассислари, таълим йўналиши бўйича турдош олий таълим муассасалари, тегишли соҳа ташкилотларининг тақризлари олинади;

- таянч олий таълим муассасасининг кенгashiда ўқув адабиёти қўллэзмаси атрофлича муҳокама қилинади ва нашр қилишга тавсия этиш тўғрисида олий таълим муассасаси кенгашининг баёни расмийлаштирилади;

- экспертизадан ўтказиш мақсадида ўқув адабиётининг қўллэзмаси тегишли таянч олий таълим муассасаси томонидан Марказга киритилади;

- Марказ таянч олий таълим муассасалари томонидан киритилган ўқув адабиётлари қўллэзмаларини таълим соҳалари ва йўналишларига мувофиқжамлаб, Вазирликхузуридаги Олий, ўрта маҳсус ва профессионал таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашма ва комиссияларга (кейинги ўринларда ўқув-услубий бирлашма ва комиссиялар деб аталади) тақдим этади;

- ўқув-услубий бирлашма ва комиссиялар ўқув адабиётлари қўллэзмаларини давлат таълим стандартлари, малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурлари ҳамда ўқув адабиётларига қўйилган талабларга мослиги, талабаларга мукаммал замонавий билим, кўникма ва малакаларни беришга хизмат қилиши юзасидан экспертизадан ўтказади, ҳар бири бўйича асосланган хулоса ҳамда унинг ўзбек, рус, қорақалпоқ тилидаги адади ва нашр этиш манбалари (марказлашган бюджет маблағлари, олий таълим муассасаларининг маблағлари ва бошқалар) юзасидан тавсия беради;

- ўқув-услубий бирлашма ва комиссияларнинг ўқув адабиётлари қўлёзмалари юзасидан берган хulosаси Вазирлик ҳузуридаги Мувофиқлаштирувчи кенгаш мажлисида муҳокама қилинади;
- муҳокама натижасида ижобий деб топилган ўқув адабиётларнинг қўлёзмалари Мувофиқлаштирувчи кенгаш мажлиси баёни билан нашр этишга тавсия қилинади, салбий баҳолангандан ўқув адабиётлари қўлёзмалари қайта ишлаш учун тегишли таянч олий таълим муассасаларига юборилади;
- Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан нашр этишга тавсия этилган ўқув адабиётлар қўлёзмаларининг рўйхати уларни тайёрлаган олий таълим муассасаси, муаллифлар фамилияси ва исми, ўқув адабиётининг тури, унинг ҳажми, адади ва молиялаштириш манбаси кўрсатилган ҳолда Вазирликка тақдим этилади;
- Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан тавсия этилган ўқув адабиётларни Вазирлик буйруғи билан нашр этишга рухсат берилади;
- нашр этишга рухсат берилган ўқув адабиётлари белгиланган тартибида нашр қилинади ва эҳтиёжга мувофиқ тегишли олий таълим муассасалари ахборот-ресурс марказларига жойлаштирилади.

7. Чоп этилган ўқув адабиётларидан талабалар фойдаланиши учун муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган қоидаларга амал қилган ҳолда, олий таълим муассасаларининг ахборот-ресурс марказларига ўқув адабиётларининг босма ҳамда электрон нусхалари жойлаштирилади.

8. Ўқув-услубий бирлашма ва комиссиялар томонидан ўқув адабиётлари қўлёзмаларини экспертизадан ўтказиш, муҳокама қилиш ва хulosса ишлаб чиқиш тартиби Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан белгиланади.

9. Олий таълим муассасаларида тайёрланган ўқув адабиётлари қўлёзмаларини Марказга киритиш, ушбу қўлёзмаларни ўқув-услубий бирлашма ва комиссияларга тақдим этиш тартиби Вазирлик томонидан белгиланади.

## **II БОБ. ЎҚУВ АДАБИЁТЛАРИНИ ЭКСПЕРТИЗАДАН ЎТКАЗИШНИНГ ЭЛЕКТРОН ПЛАТФОРМАСИ**

### **2.1 Ўқув адабиётларини экспертизадан ўтказишнинг электрон платформаси**

Ҳозирги кунда жамиятнинг барча жабҳалариға фан-техника ютуқлари жадаллик билан жорий қилиниб келмоқда. Шундай жараёнлардан бири эса соҳаларни рақамлаштириш ҳисобланади. Таълим соҳаси ҳам ушбу жараённи амалда жорий қилишни ҳамда унинг ютуқларидан ўз тизимида кенг фойдаланишни амалга оширияпти.

Таълим тизимининг рақамлаштириш босқичига ўтиши жамиятнинг рақамли даврга ишончли ўтишини англаради. Рақамли трансформация туфайли замонавий шароитда олий таълим тизимининг ривожланиши ўқув жараёнини қуришга, шу жумладан, илфор ўқув технологияларидан фойдаланган ҳолда, замонавий электрон ахборот-таълим мұхитини яратишга, таълимни бошқариш стратегиясини амалга оширишга ва индивидуал хусусиятларга асосланған ўқув материалларини мослаштиришга янги талабларни құяди. Олий таълим тизимида рақамлаштиришга мұхим әтибор қаратилаётгандығы боис, Марказ томонидан яратиладиган ўқув адабиётларини нашр этишга тавсия бериш жараёни рақамлаштирилди.

Олий таълим муассасалари учун яратиладиган ўқув адабиётларини нашр этишга тавсия бериш жараёнини рақамлаштириш, мазкур тизимнинг шаффофлигини таъминлаш, яратилаётган ўқув адабиётларининг сифатини ошириш мақсадида Марказ томонидан [adabiyot.edu.uz](http://adabiyot.edu.uz) электрон платформаси ишлаб чиқилди ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2022 йил 10 июняғи “Ўқув адабиётларини нашр этишга тавсия бериш жараёнини рақамлаштириш түғрисида”ги 197-сонли бүйруғи билан амалиётга жорий қилинди.

Бунга сабаб, ўқув адабиётларини экспертизадан ўтказишдаги олдинги тизимнинг мукаммал әмаслиги натижасида, олий таълим муассасаларини ўқув адабиётлари билан таъминлаш соҳасида бир қатор мұаммолар сакланиб қолаётган эди. Жумладан:

**Биринчидан,** Мувофиқлаштирувчи кенгаш мұхокамасыга тақдим этилаётган ўқув адабиётларига тегишли ҳужжатларни қабул қилиш ва эксперталарга бириктиришда асосан телеграм мессенжеридан фойдаланиб келинаётгандығы:

- тақдим этилган ўқув адабиётларини ҳисобини юритишда нокулайлик туғдирарди;

▪ ўқув адабиётларининг ҳолати тўғрисидаги маълумот вақтида тақдим этилмаслиги муаллифларнинг норозилигига сабаб бўларди;

▪ телеграм орқали профессор-ўқитувчилар томонидан ўқув адабиётларини тақдим этилиши натижасида ҳужжатлар оқими кўпайиб, гувоҳнома бериш муддатининг чўзилиб кетишига олиб келарди.

**Иккинчидан**, ўқув-услубий бирлашма ва улар таркибидаги экспертиларнинг жамоатчилик асосида фаолият олиб бораётганлиги:

▪ Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг ўқув-услубий бирлашма ва комиссиялар фаолияти жамоатчилик асосида ташкил этилган бўлиб, уларнинг меҳнатини рағбатлантириш тизими мавжуд эмаслиги, экспертиза учун тақдим этилган ўқув адабиётларини юзаки ва сифатсиз таҳлил қилинишига, шунингдек, муаллифлар билан келишиб, манфаатлар тўқнашувига олиб келиши кузатиларди;

▪ муаллифлик нашр руҳсатномалари (грифлар) сони олий таълим муассасаларининг рейтинг кўрсаткичларига таъсир этиши ва профессор-ўқитувчиларга малака ошириш жараёнида имтиёз бериши, сифатсиз ўқув адабиётларини тақдим этиш, оқибатда нашр режаларининг бажарилмай қолишига ҳамда бирлашма ва комиссиялар билан келишган ҳолда, коррупцион хавфларнинг юзага келишига олиб келмоқда.

**Учинчидан**, жараённинг очиқ ва шаффоф эмаслиги:

▪ мазкур жараённинг марказлашган тартибда амалга оширилиши интеллектуал мулк ҳуқуқлари бузилишига сабаб бўлмоқда. Яъни ўқув адабиётлари тегишли ҳужжатларини масъул томонидан тақдим этилиши ва нашр руҳсатномасини муаллифга етказилиш тартиби белгиланган бўлиб, муаллифларнинг жараёнлардан бехабарлиги натижада муаллифлик ҳуқуқларини паймол қилиниши ҳолатлари кўп учарди.

**Тўртинчидан**, кўчирмакашликнинг авж олиши ҳамда аввал чоп этилган ўқув адабиётларини қайта-қайта нашрга тақдим этилиши:

▪ муқаддам чоп этилган ўқув адабиётларининг йилини, номини ёки муайян қисмини ўзгартирган ҳолда тақдим этиш, шунингдек, бошқа муаллифларнинг китобларини ўзлаштирган ҳолда, ўз номидан юбориш каби салбий ҳолатлар ҳам кузатиларди.

Юқоридага мавжуд муаммолар ўқув адабиётларини экспертизадан ўтказиш тизимини рақамлаштиришни ва бу орқали жараённи янада мукаммал бўлишини тақозо килди. Натижада, Марказ томонидан [adabiyot.edu.uz](http://adabiyot.edu.uz) электрон платформаси яратилди.

Мазкур тизим орқали фойдаланувчиларга қўйидаги қулайликлар яратилди:

▪ ўқув адабиётларини [adabiyot.edu.uz](http://adabiyot.edu.uz) электрон платформасига муаллиф томонидан тўғридан-тўғри жойлаштириш;

▪ экспертлар томонидан ижобий хулоса берилган адабиётларга QR кодди электрон нашр гувоҳномаси шаклида бериш;

▪ жараённинг очиқ ва шаффоф амалга оширилишини таъминлаш мақсадида ўқув адабиётини экспертизадан ўтказиш жараёнини маҳсус код орқали кўриб бориш.

**Ўқув адабиётларини экспертизадан ўтказиш ва нашр этишга тавсия бериш жараёнида электрон платформадан фойдаланиш қуидаги тартибда амалга оширилади:**

▪ талабгор томонидан ўқув адабиёти ва унга тегишли ҳужжатлар электрон шаклда платформага киритилади;

▪ бунда талабгор томонидан ўқув адабиётини платформага биринчиришда белгиланган талаблар билан танишганлиги ҳамда экспертиза натижасига кўра ижобий хулоса билан баҳоланган ҳамда нашр этишга тавсия этилган ўқув адабиётининг электрон шаклидан Республика олий таълим муассасалари ўқув жараёнида муаллифлик ҳуқуқи ҳамда турдош ҳуқуқларга амал қилган ҳолда фойдаланишга рухсат бериш (рухсат бермаслиқ)ни белгилаши лозим;

▪ платформага ўқув адабиёти тўғрисидаги маълумотларни киритишида талабгордан ўқув адабиёти бўйича асосий муаллифни ҳамда унинг илмий фаолиятига оид калит сўзларни танлаши талаб этилади;

▪ ўқув адабиёти бўйича асосий муаллиф белгиланганидан сўнг ҳаммуаллифлар белгиланади;

▪ ўқув адабиёти таълим йўналишлари ёки мутахассисликлар бўйича тасдиқланган ўқув режаларининг қайси блокдаги фан бўйича тайёрланганлиги танланади;

▪ бунда ўқув адабиёти муайян таълим йўналиши ёки мутахассислик бўйича тасдиқланган ўқув режанинг танлов ва қўшимча фанлар блокидаги фан бўйича тайёрланган бўлса талабгор томонидан мазкур ўқув адабиётини экспертизадан ўтказиш учун платформанинг тўлов тизими орқали меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридаги тўловни амалга ошириши талаб этилади;

▪ талабгор белгиланган талаблар асосида ўқув адабиётини платформага киритганидан сўнг тизим томонидан ҳужжатлар қабул қилинганлиги тўғрисида маҳсус код берилади ва мазкур код орқали ўқув адабиётининг амалдаги ҳолати тўғрисида маълумот олиш имконияти яратилади;

▪ Марказ талабгор томонидан платформага киритилган ўқув адабиётлари қўллэзмаларини белгиланган талаблар асосида платформага киритилганлиги бўйича техник экспертизадан ўтказади;

▪ платформага белгиланган талаблар асосида киритилмаган ўқув адабиётларини талабгорга қайтаради;

■ техник экспертизадан ўтган ўқув адабиётлари тизим томонидан платформада шакллантирилган экспертларга таълим йўналишлари ва талабгор томонидан танлаган калит сўзлар орқали автоматик равишда юборилади.

Барча ҳужжатлар орқали электрон платформага юкланган ўқув адабиётлари текшириш учун Экспертларга тақдим қилинади. Экспертлар томонидан ўқув адабиётларини баҳолаш белгиланган ва баҳолаш мезонлари асосида амалга оширилади. Экспертлар платформа орқали келиб тушган ўқув адабиётларини, малака талаблари, ўқув режа ва фандастурлари ҳамда ўқув адабиётларига қўйилган талабларга мослиги, талабаларга замонавий билим, кўнирма ва малакаларни беришга хизмат қилиши юзасидан белгиланган баҳолаш мезонлари асосида экспертизадан ўтказади.

Бунда ўқув адабиёти эксперт томонидан баҳолаш мезонлари асосида баллар кесимида қуийдагича баҳоланади:

- баҳолаш натижаларига кўра 90 дан 100 баллгача тўплаган ўқув адабиётлари нашр этишга тавсия этилади;
- баҳолаш натижаларига кўра 89 ва ундан паст балл тўплаган ўқув адабиётлари нашр этишга тавсия этилмайди ҳамда экспертнинг якуний хулосаси билан бирга қайта ишлаш учун муаллифга қайтарилади;
- баҳолаш натижаларига кўра тегишли баллни тўплаган ўқув адабиётига унинг ўзбек, рус, қорақалпоқ тилидаги адади ва нашр этиш манбалари (марказлашган бюджет маблағлари, таълим муассасаларининг маблағлари ва бошқалар) юзасидан тавсия беради;
- экспертизадан ўтказилган ҳар бир ўқув адабиётига берилган якуний хулоса платформа орқали талабгорга юборилади.

**Нашр этишга тавсия этилмаган ўқув адабиёти.** Талабгор экспертиза натижасига кўра нашр этишга тавсия этилмаган ўқув адабиётини эксперт томонидан берилган хулоса асосида қайта кўриб чиқиб, хулосада келтирилган камчиликларни бартараф этган ҳолда, ўқув адабиётини экспертизадан ўтказиш ва нашр рухсатномасини олиш учун платформага қайтадан киритиши мумкин. Бунда талабгор томонидан нашр этишга тавсия этилмаган ўқув адабиётини қайта экспертизадан ўтказиш ва нашр рухсатномасини олиш учун платформага киритища аввалги экспертиза хулосасида келтирилган камчиликлар бартараф этилганлиги тўғрисидаги маълумотнома илова қилиши талаб этилади.

Экспертлар томонидан баҳолаш мезонлари асосида қўйилган баллар ва ўқув адабиётини нашр этишга тавсия бериш (бермаслик) юзасидан берилган хулосалар ўқув адабиётларини Мувофиқлаштирувчи кенгаш муҳокамасига киритиш (киритмаслик)га асос бўлади ҳамда

ўқув адабиётларига берилган якуний хуросаларга экспертлар масъул ҳисобланади.

Экспертлар томонидан ижобий хуроса берилган ўқув адабиётларини расмийлаштириш қўйидаги тартибда амалга оширилади:

- эксперталар томонидан белгиланган тартибда баҳоланиб, нашр этишга тавсия этилган ўқув адабиётлари рўйхати платформада автоматик равишда шаклланиб боради;

- Марказ ҳар ой якуни бўйича эксперталар томонидан ижобий хуроса берилган ўқув адабиётларининг рўйхатини Мувфоқилаштирувчи кенгаш муҳокамасига киритади;

- Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан нашр этишга тавсия этилган ўқув адабиётлар қўлёзмаларининг рўйхати уларни тайёрлаган олий таълим муассасаси, муаллифлар фамилияси ва исми, ўқув адабиётининг тури, унинг ҳажми, адади ва молиялаштириш манбаси кўрсатилган ҳолда Вазирликка тақдим этилади;

- Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан тавсия этилган ўқув адабиётларни Вазирлик бўйруги билан нашр этишга рухсат берилади;

- Вазирликнинг ўқув адабиётларини нашр этишга рухсат бериш тўғрисида қабул қилинган бўйруғи платформага жойлаштирилади;

- нашр этишга рухсат берилган ўқув адабиётларига электрон платформа орқали QR-кодли нашр гувоҳномалари шакллантирилади ҳамда тасдиқланади;

- Платформадан юклаб олинган нашр гувоҳномалари расмий ҳужжат сифатида тан олинади.

Ушбу тизимнинг амалга жорий қилиниши ўқув адабиётларини экспертизадан ўтказиш жараёнини соддалаштирди ҳамда шаффоғлигини янада мустаҳкамлади.

Босқичлар	Тадбир	Масъуллар	Муддат
1-босқич	Тасдиқланған нашр режиссера муроғиқ, үқұв адабиётлари құлғымасын тайёрлаш; Кафедра мұхокамасыдан үтказиш; Ички ва ташки тақризлар олиш; Факультет услугубий кенгашыда мұхокама қилиш; Олий таълим мұассасасы кенгашыда мұхокама қилиш ва нашр қилишга тавсия этиш	Олий таълим мұассасалари (муаллиф ва муаллифлар жамоасы)	Режа асосида
2-босқич	Олий таълим мұассасасы кенгашы қарори асосида тавсия этилған үқұв адабиётлари (құлғымасы)ни Олий таълимни ривожлантириш тадқиқтлари ва илғор технологияларни татбик, этиш маркази (кейинги үріннеларда Марказ деб аталади)га киритиш	Олий таълим мұассасалари	Режа асосида
3-босқич	Олий таълим мұассасалари томонидан киритилған үқұв адабиётлари құлғымаларини қабул қилиш, қайд өтіш ва таълим соҳалары ва йұналишларига муроғиқ, эксперктларға тақдим өтіш	Олий таълимни ривожлантириш тадқиқтлари ва илғор технологияларни татбик, этиш маркази	1 күн
4-босқич	Үқұв адабиётлари құлғымаларини давлат таълим стандартлари, малака талаблари, үқұв режа ва үқұв дастурлари ҳамда үқұв адабиётларига құйилған талабларға мослиғи, үқұвчы ва талабаларға мұккаммал замонавий билим, күнніма ва малакаларни берішига хизмат қилиши юзасидан экспертиздан үтказиш, ассоланған үлес ҳамда адади ва нашр өтіш манбалары (марказлашған бюджет маблаглары, олий таълим мұассасаларининг маблаглары ва бошқалар) юзасидан тавсия беріши	Экспертлар	30 күн
5-босқич	Үқұв адабиётлари құлғымаларини эксперктларнинг ижобий үлес қарори асосида Вазирик құзғаласы Олий, үрта маңсус ва профессионал таълим йұналишлары бүйіча үқұв-услубий бирлашмалар фоалиятини муроғиқлаштирувчи кенгаш (кейинги үріннеларда Муроғиқлаштирувчи кенгаш деб аталади) мажлисида мұхокама қилиш ҳамда Муроғиқлаштирувчи кенгаш мажлиси баёни билан нашр өтішша тавсия өтіш	Муроғиқлаштирувчи кенгаш	10 күн

6-босқич	Экспертлар томонидан салбий баҳоланған ўқув адабиётлари күләзмаларини қайта ишлаш учун тегиши олий таълим мұассасаларига юбориш	Экспертлар	1 күн
7-босқич	Муофиқлаштирувчи кенгаш томонидан нашр этишга тавсия этилган ўқув адабиётлари күләзмаларининг рўйхатини уларни тайёрлаган олий таълим мұассасаси, муаллифлар фамилияси ва исми, ўқув адабиётининг тури, унинг ҳажми, адади ва молиялаштириш манбаси кўрсатилган ҳолда Вазирликка тақдим этиш	Олий таълимни ривоҷлантириш тадқиқотлари ва илгор технологияларни татбиқ этиш маркази	3 күн
8-босқич	Муофиқлаштирувчи кенгаш хуносаси асосида ўқув адабиётларини нашр этишга рухсат бериси юзасидан Вазирлик бўйруғини расмийлаштириш	Олий таълимни ривоҷлантириш тадқиқотлари ва илгор технологияларни татбиқ этиш маркази, Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг	3 күн
9-босқич	Нашр этишга рухсат берилган ўқув адабиётларининг нашр рухсатномаларини расмийлаштириш ва олий таълим мұассасаларига тақдим этиш	Олий таълимни ривоҷлантириш тадқиқотлари ва илгор технологияларни татбиқ этиш маркази	5 күн
10-босқич	Нашр этишга рухсат берилган ўқув адабиётларини белгиланған тартибда нашр этиш ҳамда нашр этилган ўқув адабиётларидан ўқувчи ва талабалар фойдаланиши учун муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар бўйича қонун ҳужжатларида белгиланған қоидаларга амал қилган ҳолда олий таълим мұассасаларининг ахборот-ресурс марказларига ўқув адабиётларининг босма ҳамда электрон нусхаларини жойлаштириш	Олий таълимни ривоҷлантириш тадқиқотлари ва илгор технологияларни татбиқ этиш маркази, Олий таълим мұассасалари	Режа асосида

**Ўқув адабиётларига расмий мақом ҳамда вазирликнинг нашр этишга  
рухсат бериш тўғрисидаги гувоҳномасини расмийлаштириш учун  
тизимга бириктириладиган ҳужжатлар ва талаблар**

**РЎЙХАТИ**

1. Олий таълим муассасаси раҳбарининг расмий йўлланма хати (яратилган ўқув адабиёти (дарслик, ўқув қўлланма)га бўлган эҳтиёж тахминий адади ва йўналиш ёки мутахассислик коди ва номи кўрсатилиши лозим).

2. Олий таълим муассасаси илмий кенгаши қароридан кўчирма (кенгаш раиси ва илмий котиб томонидан имзоланиб, тасдиқланган шаклда).

3. Ўқув адабиётининг номланишини тасдиқланган ўқув режасидаги фан номига мувофиқлиги (ўқув режасидаги тегишли фаннинг номи белгилаб қўйилади).

4. Ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда тасдиқланган фан дастури нусхаси.

5. Ўқув адабиёт қўллэзмаси (\*pdf шаклда муаллиф ва олий таълим муассасаси номи кўрсатилмаган ҳолда).

**Ўқув адабиёти қўллэзмасига қўйиладиган қўшимча талаблар:**

- титул варагида вазирлик ва ўқув адабиётининг номи, тури, йўналиш ёки мутахассислик коди ва номи ёзилади;

- қўллэзманинг 2-бетида (титул варагининг орқаси) ўқув адабиётининг номи, аннотацияда ўқув адабиёти тавсия этилган таълим йўналиши ёки мутахассисликнинг коди ва номи ёзилади;

- қўллэзма таҳрири 1,5 интервал, Times New Roman 14 шрифт; (матн юқоридан - 20 мм, пастдан - 20 мм, чапдан - 30 мм, ўнгдан - 15 мм ли ҳошияялар оралиғига жойлаштирилади; бетлар пастки қисм марказида, кетма-кетлик сақланган ҳолда рақамланади).

6. Ўқув адабиётининг маҳаллий ёки хорижий антиплагиат тизимларида текширувдан ўтказилганлиги тўғрисидаги хуроса (ўқув адабиёти маҳаллий ёки хорижий антиплагиат тизимларида текширувдан ўтказилганда 60 % оригиналлик кўрсаткичига эга бўлиши талаб этилади).

7. Ички ва ташқи тақризлар (тақризчиларнинг Ф.И.Ш., имзоси ва санаси қайд этилган нусхаси \*pdf шаклда).

8. Мундарижа (ўзбек, рус, инглиз).

**Эслатма:** Ўқув адабиёти қўллэзмасининг бирор қисмида олий таълим муассасаси ёки муаллиф(лар) номлари келтирилган тақдирда ўқув адабиёти қўллэзмаси талабгорга қайтарилади.

T/р	Баҳолаш мезонлари	Мезонлар бўйича талабларнинг бажарилишига қўйиладиган баллар (Жами: 100 балл)
	Ўқув адабиётининг таълим йўналиши ёки мутахассислик шифри, номи ва ихтисосликка мўлжалланганлиги ҳамда ўқув режа ва фан дастурларига тўла мос келиши. Боблар, бўйим ва мавзуларнинг мұйайян изчиллиқда ёртилиши	20 балл
	Ўқув адабиётида жаҳон илм-фани, техника ва технологияларнинг энг сўнгги ютуқларини инобатга олинганлиги, унинг аҳамияти ифодаланганлиги, соҳа ва фанга оид миллый ва хорижий тажриба ва маълумотлар мантиқий бир тизимда баён этилганлиги	15 балл
	Ўқув адабиётида назарий ва амалий маълумотлар мақбул, пухта, равон, ижодий ва қызықтирувчан шаклда ифода қилинганлиги	15 балл
	Ўқув адабиётида асосий тушунча ва холосаларнинг тағрифлари ниҳоятда аниқ ва равшан ёзилганлиги, атамаларнинг умумийлигига эришилганлиги	15 балл
	Ўқув адабиётида билим олувчиларнинг ёши, психо-физиологик ҳусусиятлари ҳисобга олинганлиги, ижодий қобилияtlарини ривожлантиришга қаратилганлиги, мустақил таълим олишга қизиқиш ўйготиши	10 балл
	Адабиётлар рўйхатининг янгилanganlik даражаси (2000 йилдан кейин чоп этилган маҳаллий ва хорижий ўқув адабиётлари)	5 балл
	Мавзулардан сўнг қисқача холоса, назорат ва мұхокама саволлари (камида 8-10 та), таянч ибораларининг мавжудлиги	5 балл
	Ўқув адабиётида муаллиф томонидан докторлик (DSc), номзодлик (PhD) ва магистрлик диссертациясидан фойдаланганлиги	5 балл
	Глоссарий (изоҳли сўзлар) мавжудлиги ва уни баён этиш даражаси	5 балл
	Ўқув адабиётининг мазмунан тугалланганлиги	5 балл
	Холоса таълим йўналиши ёки мутахассислик шифри, номи ва ихтисосликка мўлжалланганлиги ҳамда ўқув режа ва фан дастурларига тўла мос келиши, чоп этиш (адади ва молиялаштириш манбаси кўрсатилган ҳолда) ёки чоп этмаслик эксперт томонидан аниқ кўрсатилиши керак	

## Ўқув адабиётларини баҳолаш мезонлари


### 2.2 Электрон платформадан фойдаланиш тартиби

Олий, ўрта маҳсус ва профессионал таълим дастурлари, малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурлари асосида муайян ўқув фани бўйича зарур назарий ва амалий билимлар, ўқув материаллари, услубиёт ва дидактика маълумотлар илм-фан, маданият, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари ва халқаро тажрибалар асосида баён этилган ўқув адабиётига расмий мақом (нашр руҳсатномасини расмийлаштириш) олишда [adabiyot.edu.uz](http://adabiyot.edu.uz) электрон платформасидан қўйидаги тартибда фойдаланилади:

1. Интернет-браузер орқали [adabiyot.edu.uz](http://adabiyot.edu.uz) сайтига кирилади.



2. Асосий саҳифадан “Ўқув адабиётини тақдим этиш” бўлими танланади.



3. Ўқув адабиётларини платформага киритиш бўйича талаблар билан танишилганлик тўғрисида белги қўйилади ва “Юбориш” тұгмаси босилади.

4. Тақдим этилаётган ўқув адабиётининг асосий мұаллифи тўғрисидаги маълумотлар киритилади.

Adabiyot muallifi malumotlarini kriting

PINFL  
PINFL ni kriting

Passport berilgan sana  
ДД.ММ.ГГГГ

Boshqa davlat fuqarosi

Ok Bekor qilish

Talablar bilan tanishib chiqish

O'quv adabiyotlariiga rasmiyligining maqom hamda vazirlikning nashr etishiga ruxsat berish to'g'risidagi guvohnomasi rasmiyatlashirish uchun tizimga birkirtiladigan hujjatlar va talablar

RO'YXATI

1. Olyi tilm muassasasi rahbarining rasmiy yu'llanma ta'si (yarozligan olyu adabiyot shifari, olyu guruhimiga belgeni chiqish to'minoyed) va yu'llanma yoki muassasaklik kodi va nomi korxataldi lozim;

2. Olyi tilm muassasasi ilmeneq quroridan korchaliga (engang' rozi va ilmy kozib;

3. O'quv adabiyetining nomi lanhuini taidilangan o'rejusidagi fan nomiga muvofiqligi (o'quv rejausidagi tegishli fanning nomi belgilab o'yiladi);

4. O'quv rejausiga muvofiq ishlab chiqilgen hamda taidilangan fan darusti nususasi;

5. O'quv adabiyot qo'yzmasini (pdf shakli) matfut va yoy tilim muassasasi nomi korxatilgandan o'quv adabiyot qo'yzmasiga orjinaliga qo'shinchada tabalib;

6. O'quv adabiyot qo'yzmasiga orjinaliga qo'shinchada tabalib;

7. Ichki va tasdiq tag'ifalar (respublikning F.I.Sh. imzasi va sonas qayd etilgan nususasi pdf shaklidagi shartnamega qo'shinchada tabalib);

8. Shartname (arbob, rus, eng).

Estatuta: O'quv adabiyot qo'yzmasining biror o'mida oly tilm muassasasi yoki muassiflari nomidan berilganda qo'shinchada tabalib;

Talablar bilan tanishib chiqish

Bekor qilish Yuborish

5. Ўқув адабиётига тегишли асосий маълумотлар ҳамда ҳаммуал-лифлар (агар бўлса) киритилади.

Assosiy malumotlar

Adabiyot nomi

Fanlar bloki

Majburli fan

O'quv adabiyoti hammualliflari

+ Yangi muallifni qo'shish

OTM

O'zbekiston davlat jahon tillari unive

O'quv adabiyoti tilli

O'zbek tili

O'quv adabiyoti turi

Darslik

Betlar soni

Yo'nalish

+ Yangi yo'nalish qo'shish

Kalit so'zlar

+ Yangi kalit so'z qo'shish

Barcha mutaxassisliklar uchun

Barcha mutaxassisliklar uchun

Bekor qilish Yuborish

6. Ўқув адабиётига тегишли ҳужжатларнинг сканер қилинган (\*pdf) шакли киритилади ва “Экспертизага юбориш” тұгмаси босилади.

O'quv adabiyotiga tegishi hujjatlarni kriting

O'quv qo'llama va darslik (PDF)

Выберите файл

Файл не выбран

Rasmiy xat

Выберите файл

Файл не выбран

Kengash bayonomasi

Выберите файл

Файл не выбран

Ichki taqrib

Выберите файл

Файл не выбран

Tashqap taqrib

Выберите файл

Файл не выбран

Fan darusti

Выберите файл

Файл не выбран

Antiplagiat tekshiruvidan o'tkazilganlik to'g'risida ma'lumot

Выберите файл

Файл не выбран

Zosh

Bekor qilish Expertizaiga Yuborish

7. Тизим томонидан берилган маҳсус код сақлаб қўйилади.

OLIY TA'LIMNI RIVOJLANTIRISH TADQIQOTLARI VA  
ILG'OR TEXNOLOGIYALARNI TATBIQ ETISH MARKAZI

Tilimiga kirish

Adabiyot expertizadan o'tkazish uchun qabul qilindi  
Murojaatni tekshirish uchun mahfiy kod  
AOINXH

Yangi murojaat yuborish Bo'sh sahifaga qaytish

8. Маҳсус кодни платформанинг асосий саҳифасидаги “Мурожаат ҳолатини текшириш” бўлимига киритиш орқали экспертиза жараёнидан хабардор бўлиб турилади.

Natija:

Adabiyot nomi:  
Qalamatasvir  
Ko'rib chiqayotgan muassasa:  
Oliy ta'limi rivojlantrish tadqiqotlari va ilg'or texnologiyalarni tatbiq etish markazi  
Holat:  
Ko'rib chiqilmoqda

Murojaat vaqtி:  
6/27/2022 9:19:58 PM

6 27/2022 : O'quv adabiyoti qabul qilindi. Talabarga mosligi tekshirilmoqda ...

9. Электрон платформага ўқув адабиётларини киритишда юзага келган саволлар билан “Asosiy sahifa”нинг “Onlayn-chat” бўлими орқали тизим администраторига мурожаат қилиш мумкин.

OLIY TA'LIMNI RIVOJLANTIRISH TADQIQOTLARI VA  
ILG'OR TEXNOLOGIYALARNI TATBIQ ETISH MARKAZI

Murojaat holatini tekshirish Tilimiga kirish

O'QUV ADABIYOTINI EKSPERTIZADAN  
O'TKAZISH VA NASHR GUVOHNOMASINI  
OLISH PLATFORMASI

O'quv adabiyotini tekshirish uchun  
TAKLIFLAR  
SAVOL VA TAKLIFLAR  
ELON VA YANGILIKLAR

STATISTIKA  
Muovfelishchisidagi kengash  
tarkibida biroradma va  
komissoriyati foyiliyat rejamari

TALABALAR  
O'quv adabiyotining rasmiy  
məqsəd həndə vəzifələrinin nəsli  
etibiga nuxsat berish tərziində  
guvohnomasi rasmyleşdirilgen  
uchun tətbiq biriktiriladigan  
hər hansı foyiliyatlar

Sizni spozingan savollar va ularga  
javoblari shu yerdan topishingiz  
mumkin

Kengash va uring foyiliyi  
ugorishadi yengilklar

→ ?

## МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
I БОБ. Олий таълим муассасалари учун ўқув адабиётларини яратиш ва нашр этишга тавсия бериш жараёни.....	5
1.1. Олий таълим тизими учун ўқув адабиётлари яратиш тизимининг ташкилий-ҳуқуқий асослари.....	5
1.2. Ўқув адабиётларининг турлари.....	6
1.3. Ўқув адабиётларини яратишга қўйиладиган талаблар ва унинг функциялари.....	9
1.4. Ўқув адабиётларини яратиш ва экспертизадан ўтказиш жараёни.....	15
II БОБ. Ўқув адабиётларини экспертизадан ўтказишнинг электрон платформаси.....	19
2.1. Ўқув адабиётларини экспертизадан ўтказишнинг электрон платформаси.....	19
Ўқув адабиётларига расмий мақом ҳамда вазирликнинг нашр этишга рухсат бериш тўғрисидаги гувоҳномасини расмийлаштириш учун тизимга бириктириладиган ҳужжатлар ва талаблар рўйхати.....	26

Услубий нашр

ҮҚҰВ АДАБИЁТЛАРИНИ  
ЭКСПЕРТИЗАДАН ЎТКАЗИШ ЖАРАЁНИНИ  
РАҚАМЛАШТИРИШ

*Методик құлланма*

Мұхаррір  
А.Тилавов

Мусаҳҳиқ  
А.Абдужалилов

Сағифаловчи  
О.Исмаилов

Техник мұхаррір  
Н.Мирпұлатова

Наш лиц. № А1 245, 02.10.2013.

Теришга 09.01.2023 йилда топширилди. Босиши  
18.01.2023 йилда рухсат этилди. Бичими: 84x108 1/32.  
Офсет босма. "Latto" гарнитураси. Шартли б.т. 1,68.  
Нашр б.т. 1,0. Адади 250 нұсха. Буюртма №112.  
Бағоси шартнома асосида

«Sano-standart» нашриёти, 100190, Тошкент шаҳри,  
Юнусобод-9, 13-54. E-mail: sano-standart@mail.ru

«Go To Print» ХК босмахонасида босилди.  
Тошкент шаҳри, Широқ күчаси, 100-үй.  
Телефон: 71 228-07-96, факс: 71 228-07-95



ЎҚУВ АДАБИЁТЛАРИНИ  
ЭКСПЕРТИЗАДАН  
ЎТКАЗИШ ЖАРАЁНИНИ  
РАҚАМЛАШТИРИШ



ОЛИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТАДКИҚОТЛАРИ ВА  
ИЛГОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ТАТБИҚ ЭТИШ МАРКАЗИ

ISBN 978-9943-9096-1-8



9 789943 909618